
56 МИНГ НАФАРДАН ОРТИҚ ХОТИН-ҚИЗЛАРГА КАСБ-ҲУНАР ЎРГАТГАН ФАРҒОНАЛИК ТАДБИРКОР ШАҲНОЗА ҒАНИЕВА МАҲАЛЛА ФАОЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ

Иқтисодиётнинг турли тармоқларида фаолият юритаётган фаол бизнес вакиллари иштирокида вилоятимизнинг шаҳар ва туманларида маҳалла фаоллари билан очиқ мулоқотлар давом этмоқда.

Эътиборли жиҳати вилоятимизда меҳнат қилаётган ва салмоқли ютуқларни қўлга киритган фаол тадбиркорлар ўз тажрибаларини тадбиркорликка қизиқиши бўлган ёки эндигина соҳага кириб келаётган ёшлар ва кичик ишбилармон доиралар вакиллари билан ўртоқлашмоқда.

Бугун Фарғона шаҳридаги “Ишга марҳамат” мономарказида ўтган мулоқотда “Ибратли бекам” ўқув маркази раҳбари, “Шуҳрат” медали соҳиби Шаҳноза Ғаниеванинг муваффақиятли тадбиркорлик йўли бош мавзу бўлди.

Учрашувда Давлатимиз раҳбари томонидан юртимизда тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилаётган қулай муҳит ва шарт-шароитлар, илгари сурилаётган янги ташаббуслар, тақдим этилаётган кенг имкониятлар хусусида тўхталиб ўтилди.

Шаҳноза Ғаниева юртимизда тадбиркорларга яратилаётган имкониятлардан самарали фойдаланиб, муносиб марраларни қўлга киритиш зарурлигини таъкидлади. Иштирокчилар тадбиркорлик йўналишида ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

Йигирма йиллик меҳнат фаолияти, ўқув марказида 20 турдан зиёд касб-ҳунарлар мавжудлиги, айти кунга қадар қарийб 56 минг нафардан ортиқ хотин-қизларга касб-ҳунар ўргатгани, айтиқса, йифилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Тадбиркор томонидан “Фарғона Роза-ал” хусусий корхонаси ҳам ташкил этилиб, қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тикувчилик, тўқувчилик ва хизмат кўрсатиш жараёнлари ҳам йўлга қўйилган. 70 нафардан ортиқ аҳоли доимий иш ўринлари билан таъминланган.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2023-08-25 15:04:56